

АССАЛОМ, НАВРЎЗИМ — ЯНГИ ЙИЛГИНАМ, ХАЛҚИМДЕК КАМТАРИН, ОҚКЎНГИЛГИНАМ!

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Тасвир

● № 34 (2454)

● 1992 ЙИЛ 21 МАРТ

● ШАНБА

● НАРХИ: ОБУНАЧИГА 30 ТИЙИН, СОТУВДА 40 ТИЙИН.

СЕВИНЧИНГИЗ ЙИЛГА ТАТИСИН

Азиз юртдошлар!

Биз куни кеча сиз билан бирга баҳор фаслининг илк байрами — аҳли аёлларимизнинг шодиёна кунини нишонладик. Ҳали файзли айём таассуротлари тарқалиб улгурмасдан яна бир фараҳбахш кун, айтиш мумкинки, улуг, табаррук кун — Наврўзни қаршилаяпмиз.

Наврўз табиатнинг уйғониш даврида кириб келади. Наврўз дов-дарахтлар эндигина гулу барглarga чулғанаётганида кириб келади. Бу йил эса биз уни нафақат табиатнинг, балки миллатимизнинг ҳам уйғониш даврида кутиб олаяпмиз. Бу йил биз уни нафақат дов-дарахтларнинг гулга ўраниш лаҳзаларида, балки миллатимизнинг, элимизнинг, Ўзбекистонимизнинг келажаги гуллаётган бир паллада кутиб олаяпмиз. Мухтасар қилиб айтганда, ушбу кун — мустақил Ўзбекистон давлатининг биринчи Наврўзи.


Азизлар, Ватанимиз ўзининг мустақил йўлини қидириб топди. Шу йўлдан дадил одимлаб бораверади. Фақат ҳозирги кунда юзлашиб турганимиз — қийинчиликларнинг ўткинчи эканлигини ақлан идрок қилайлик.

Бугунги Наврўзимизнинг илк кунини шоду хуррамлик билан ўтказиш учун, келинг, кўчаларга чиқайлик, сайру саёҳатлар уюштирайлик, ўйнаб-кулайлик. Фақат эҳтиросларимиз байрамона, сайрларимиз шодиёна бўлсин.

Қадрли ҳамкасблар! Бугун сиз билан биз яна хизматдамиз. Ҳамюртларимизнинг ушбу севинчли дамларини осойишта, хотиржам ўтказишлари учун масъулмиз. Бу шараф. Зеро, биз учун Наврўз — бир байрам, эл тинчи — иккинчи байрам.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, оила аъзоларингизни ва шу заминда елкама-елка яшаётган барча ватандошларимизни қутлуг айём билан муборакбод этаман. Шодлик, қувонч хонадонингизни тарк этмасин, у йилга татисин!

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Жумҳурияси ички ишлар вазири
милиция генерал-майори.



*Эрк сабоси ёйди, қанотим,
Жисму жоним нурга талпинди.
Озод элнини мамлакатига
Наврўзимни чорлайин энди.*

БАҲОРИЙ ТИЛАКЛАР

Наврўз, сени бу ўлкада
Соғинганлар кўп экан,
Единг билан умри бўйи
Овунганлар кўп экан.

Бу узун қиш бой элатини
Чўғ кўнглини музлатди,
Ҳур руҳини муҳрлади,
Тупроғини тузлатди.

Нурли ўтмиш бозоридан
Вайрон расталар қолмиш,
Шон гулидан келажакка
Сўлган дасталар қолмиш,

Ҳадиклардан қадамлари
Аста-асталар қолмиш,
Жисму жони, қалб, имон,
Кўнгли хасталар қолмиш...

Она Наврўз, тезроқ келсанг,
Уйғонсайди дилимиз.
Шижоатни кўрталардан
Ургансайди дилимиз.

Қаторлари арраланиб,
Елғиз қолган тут учун.
Донолари сараланиб,
Бошсиз қолган юрт учун.

Топталган ҳар майса учун,
Бузилган ҳар сўз учун,
Уксиган ҳар кўнгли учун
Тўлғонсайди дилимиз.

Кўклам бутун поклигини
Кўчирсайди руҳларга,
Ғафлату бат. ҳаёлларни
Учирсайди руҳлардан,

Қурса эди юракларга
Бирлик деган равоқлар.
Тикса эди унга меҳру
Шафқат деган байроқлар.

Унинг нурли пештоқида
Куртак каби бўртсалар,
Энг муқаддас китоблардан
Энг муқаддас жумлалар.

Бу даргоҳга Ислоҳ деган
Бир паҳлавон бек бўлса,
Осмоида қуёш — Имон,
Моҳитоби — Эрк бўлса.

Рост чиқарди оталарнинг
Бахт ҳақдаги тушлари.
Қайтар эди оқибатнинг
Яраланган қушлари.

Наврўз, сени бу ўлкада
Кўп соғиндик, кўп кутдик.
МАРҲАБО.

СУМАЛАКНИ СОТМАНГ, ОДАМЛАР!

Утган йили сотишди. Банкасини уч-беш сўмдан. Пул ишлашди.

... Катта қозон. Унинг теварак-атрофини кексаю ёш ўраб олишган. Қуръон тиловат қилинапти. Сукунат. Қироатнинг оҳангдорлиги, жарангдорлиги борлиққа салобат бағишлаган. Йирилган мўмин-мусулмонлар қалбига эзгулик, диёнат, имон, адолат уруғи сочилаяпти. Бир оз муддат ўтиб, тансиқ неъмат — сумалак улашिलाди...

Мен эса ўтган йилги воқеани эслайман. Наврўзнинг 4-5-кунлари эди. Урда бекатида ўрта ёшлардаги киши сумалак сотаяпти. Яқинлашиб, баҳосини сўрадим.

«Банкаси уч сўм, ука, келинг! Яхши қайнатилган...».

«Қим пиширди, билсак бўладими?»

«Нима? Сени неччи пуллик ишинг бор юм

пиширгани билан! Олмасанг, ана, катта кўча».

«Ишимни ҳам пулга чақасиз-а, Гуноҳидан қўрқмайсизми?»

«Э-э, бор-э!».


...Бу йил баҳор ўзгача қаршиланди. Бу йил Наврўз ўзгача қаршиланаяпти. Ўзгача шукр, ўзгача салоҳият! Бусиз мумкинми? Миллатимиз, қадди тик миллатимизнинг, мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг биринчи Наврўзи-ку бугун!

Бусиз мумкинми?..

Эс-ҳушим эса яна ўтган кунларга оғади. Ба-савлат йигит... сумалак... сўм... Кўйнинг, юртдошим, улугланган, тансиқ, мўтабар, шифобахш неъмат — СУМАЛАКНИ пулга алишманг, қўйинг! Гуноҳдан қўрқинг!

СУМАЛАКНИ СОТМАНГ, ОДАМЛАР!..

Эркин САЙФИДДИН ўғли.



ЭЙ, НАВРЎЗ АТАЛГАН УЛУҒ АЙЁМИМ,




БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

ҲАЗИЛ МАКТУБ

Ушбу оқ қоғозга оқ кўнгил ила ёзган хатим тез ва оз кунлар ичида шамолдек шошиб, дарёдек тошиб, тоғлардан ошиб, етиб бориб, маълум ва равшан бўлсинки, ул гўзал Лопатин кўчасида ҳормай-толмай юрган мухбир ходимларга, деб билгайман.

Ассалому алайкум, «Постда» рўзномасининг мухбирлари! Мен сизларни Наврўзнинг биринчи куни ва баҳор фаслининг кириб келгани билан чин юракдан муборакбод этаман! Юзингиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасини. Сизларга ҳиндча севги, лўлиларча хушчақчақлик, ўзбеклардек меҳмондўстлик тилайман. Ниманки орзу қилсаларингиз, барчаси ижобат бўлсин!

Салом ила
Сабоҳатхон УРИНБОЙ қизи,
Қибрай тумани.



ЧИННИГУЛ:
«Кучоғимда ширинларнинг
юраги,
Еноғимда фарҳодларнинг
тилагин!»

Ургут тоғларига келганда баҳор янада гўзаллашади. Яшил майсаларга ўранган ўркач-ўркач, силлиқ қирлар ортидаги баҳайбат чўққилар қорли учлари билан осмоннинг кўксини ёриб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради, булоқ сувлари эса тиниклашиб, мусавфолашиб боради. Чўққилардан бошланиб, қирлар орасидан оқиб ўтаётган сон-саноксиз жилғаларнинг шилдираган овози кўшиққа ўхшаб кетади бу беғубор борлиқ қаърида. Бу пайтда ҳали булбуллар сайрамайди, бу пайтда ҳали какликлар уйғонмаган, бу пайтда фақат жилғалар куйлайди, фақат сойлар уйғонган. Улар шаддод қизга ўхшайди кўпроқ: у тошдан бу тошга урилиб, ўйнаб-ўйнаб кетаверади улкан кенгликлар кўйинига томон.

Кейинчалик ёзга бориб аксарияти қуриб қолсада, айна баҳор чоғида уларнинг овозисиз тоғларни тасаввур қилиб бўлмайди, уларсиз улкан тошларингизга англаштиши мумкин эди бу мағрур тоғлар. Ҳали қип-қизил, товланиб дилни ўйнатувчи лолалар эндигина ниш урмоқда, эндигина кўкармоқда ҳали равочлар, ҳали кийик ўти бултурги чўкирталари остида илк барглари эзиш учун эндигина чоғланмоқда, худди мана шундай пайтда, худди шу ҳолда кириб келади бу юртга Наврўз.

Тўпхона аталмиш азалий бир маскани бор бу юртнинг: одамлар оқаверади, оқаверади шу томонга ушбу кун, ўзи шусиз ҳам автотобус қатновининг тутуруғи кам бўлган бу жойларда ушбу кун қанча-қанча одамлар кўчада қолади, қанчалаб ихлосмандлар тикилинчларда қийналиб бўлса-да, етиб олади кўзланган манзилга. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Ҳали қирга — Тўпхонага пиёда чиқиб олиш керак. Аксарият бу кунларда эзиб-эзиб ёмғир ёғади, қут-барака рамзи—ёмғир ёғади симсим. Ургутнинг тор кўчалари бўйлаб бўтана сувлар оқади кўпинча ушбу кун, лекин халқ чиқаверади, ўст-боши шилта-шалаббо бўлган одамлар ҳеч қайтишмайди ярим йўлдан. Чиқишаверади. Симсим ёғади ёмғир. Шунда англайсиз қирларнинг Наврўзнинг, баҳорнинг нақадар пок бўлишини: ҳақиқатдан-да, поймизга гилам бўлади майсалар, қанча юрманг, оёғингизга гард юкмайди. Осмонга жуда яқин келасиз ушбу кун,

ўйиб, абадий яшатмоқчимиз гоёларимизни. Вақт эса бу безориликни кўтармайди... Хуллас, тепангизда эса улкандан-улкан қошларини чимирганча Ленин қараб туради. Ҳа, худди шундай. Шундай катта қилиб терилганки тошлардан, ўн километрлар узоқдан ҳам бу сиймо яққол кўриниб туради. Лекин яқинлашиб борганингиз сайин бу тасвир мавҳумлаша боради. Илк бор яқинлашганимда, икки киши ялпайиб ётгани доҳийнинг мўйлови эканини зўрға англаганман. Шу атрофда «Ленин барҳаёт», «Яшасин коммунизм» каби

БУ ЮРТДА ЭЪТИҚОД БОР

пешонада турган булутларни қўл билан четроққа суриб қўйиш мумкин. Сиз индамайсиз, майли. Оёғингиз остида эса бутун шаҳар ястаниб ётибди...

Келинлар чиқишади бу ерга ўша кун. Баҳордек янги, беғубор ва гўзал келинчалар. Шоирлари келади бу юртнинг, кўшиқчилари, дарбозу чавандозлари, ҳамма ҳаммаси чиқишади бу ерга.

Тепангизда эса... Табиатнинг шу овлоқ гўшаларига ҳам сиёсат етиб келган. Табиатнинг, тоғларнинг кўм-кўк бағрини ўйиб, ўзимизнинг ҳар хил шиорларимизни эзиб ташлаганмиз. Ҳатто бу бечора тоғлар ҳам бизнинг калтафаҳм гоёвий курашимизнинг қурбонлари бўлишган. Улар мангуликка дахлдор-ку? Наҳотки бизлар ҳам ўзимизнинг безори болаларнинг ҳаракатидек қилигимиз билан мангуликни даъво қилаётган бўлсак? Афсуски шундай. Тоғларнинг кўксини

сўзлар ҳам битилган улкан-улкан қилиб. Мана бир неча йиллардан буён улар бўялмайди ва қалбимиздаги акси каби хиралашиб кетган бу иборалар.

Баҳор эса буларни писанд қилмайди. Фақат унинггина эътиқоди маҳкам, фақат угина эринмайди, фақат унинггина бўёғи мустаҳкам: бир ёмғирдан сўнг оқиб кетмайди оҳадек. Баҳор ҳар йил эринмасдан бўяб чиқади тоғларни, тошлардан тикланган сиймо эса мана неча йилдан буён рангсиз қолади.

Наврўзни қувғин қилишди дедик, бу аслида эътиқодсизларга дастак бўлди, холос. Агар раҳбарнинг бир оғиз гапи билан унутиладиган бўлса, бундай байрам нишонлашга арзимайди ҳақиқатан ҳам. Ургутда ҳар доим нишонлашиб келишган бунни. Расмий бўлмасада норасмий, катта бўлмасада, кичик. Бу юртда эътиқод бор...

Исмонил ШОҲ МУРОД.

БАЙРАМ ИСТАКЛАРИ

ҲАМКАСБЛАР ДИЛ РОЗИ

Наврўз! Сен бу сафар оғирданда оғир бир даврда кириб келдинг. Йўқ, яхшиси, бу ҳақда гапирмайлик. Сен дилларга меҳрини қайтар, умидин қайтар. Токи оқибатсизлик, совуқ-қонлик, лоқайдлик, барча ёмон иллатлар адолат тўфонига учрасин. Қаро кунларнинг — мустамлака кунларнинг ортда қолгани рост бўлсин. Даврингда билдириладиган тилакларнинг чеки-чегараси йўқ. Кел, умидли халқ вакиллари — журналистлар истагини эшитиб кўрайлик.

Илҳом ИҲЛДОШЕВ, «Тошкент оқшоми» рўзномаси мухбири:

— Наврўз биз маълум маънода нишонлашга ўрганиб қолган шунчаки байрамлардан эмас. Бу байрамда узоқ тарихимизда келажагимизга белгилаб турадиган хусусиятлар борки, бунга ҳар жиҳатдан содиқ бўлмоғимиз керак. Одамларнинг кўча-кўйларда яхши кайфият билан сайр қилишлари, қарнай-сурнайларнинг шодон янграши ёки турли тадбирларнинг ўтказилиши Наврўзнинг фақат ташқи кўриниши, холос. Демокриманки, бу айёмда аввало қалблар топишади...

Агар шу арафада бирор кўнгил ўксимаса, демек, биз тарихий, муқаддас байрамимизни кўнгилдагидай нишонлаган бўламиз.

Шайдо ХУДОЕРОВА,
Тошкент шаҳар ёшлар иттифоқи қўмитасининг махсус мухбири:

— Қадимда ота-боболаримиз Наврўз арафасида бир-бирларига самимий истаклар билдиришаркан ва ижобат бўларкан. Балки шу сабаб улар инсоний фазилатларга бой бўлгандирлар.

Наврўз — байрамларнинг байрами, янги йилнинг бошланиши. Яна муҳаббат фаслининг гулшани ҳамдир. Аввало, ёшларга бахт тилардим. Бир-бирингизни севинг! Зеро, севишган — худо, севолган — фаришта.

Шухрат АРМОН, «Спорт» рўзномаси мухбири:

— Ўтмишдан буюк мерослар қолдирган донишманд боболаримиз Наврўз нишонланадиган ойна «Фарвардин», яъни «Жаннат» ойна деб атаганлар.

Мен шундай қутлуғ байрам арафасида Наврўзмизнинг бошидан қанчалар қаро кунлар кечганлиги, «ақллилик» балоси ўқидан яраланиб, қанчалар азоблар чекканлиги

(Давоми 3-бетда)



КУРТАК:
«Интиқ кутдим ёрмин,
Лабда асраб болимин...»

НАЗМУ НАВОЛАРИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

20 МАРТ. МУХБИРИМИЗ ХАБАР БЕРАДИ

Комил ҚУРБОНОВ:

«КЕЛАЖАК ЎКСИМАСИН»

Бугун эрта саҳарданоқ Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлимида ўзгача тараддуд. Ҳамманинг кўнглида эртанги кун — Наврўзнинг ташвиши. Бўлим бошлиғи милиция майори Комил Қурбонвич Қурбоннов ҳам ходимларига одатдагидан кўра бошқачароқ кўрсатмалар берапти. Бир дам қўли ишдан бўшагани, нафас ростлашига имкон бермадим. Сухбатга тортдим. Савол-жавобимиз расмийлик чегарасини бузди.

— Ассалому алайкум, Комил ака, Наврўзнингиз қутлуг бўлсин!

— Ва алайкум ассалом. Раҳмат, Эркинжон, раҳмат.

— Ташвиш катта-ку?

— Бир доно одам: «Ташвишсиз инсон инсон эмас», — деган экан. Умримизнинг асосий қисми ташвиш билан ўтапти. Қани эди, ҳаммаси ҳам байрамларникидек бўлса. Шунангачи ташвишлардан айирмасин.

— Ҳар байрамда шундай йиғилишиб турасизларми?

— Албатта. Бўлимимизда бу анъана бўлиб қолган. Лекин эртанги кунни шундай ўтказишимиз керакки, у бир умр эсда қолсин. Ахир, бу байрам мустақиллигимизнинг биринчи, табаррук, миллий айёми-ку! Яқин-яқингача Наврўз сўзини тилга олмаслигимиз, уни хотирламиздан буткул ўчириб ташлаш учун кимлардир жон-жаҳди билан курашиб келди. Минг шукрки, элимиз эътиқоди ҳар қандай зўрликка бардош берди, ҳар қандай зўрликдан устун турди.

— Ҳозиргина байрамларни ўзига хос қилиб ўтказиш бизда анъана бўлиб қолган дедингиз...

— Тушундим. Биттагина мисол келтирмакчиман. Ўтган йили милиция кунини нишонладик. Катта дастурхон ёзилди. Байрам дастурхонимизга вилоят ИИБ ҳамда қўшни шаҳар ва туман ички ишлар бўлиmlарининг ходимлари, бутун ҳаёти давомида ўз кучини ва билимининг ички ишларга бағишлаган фахрийларимиз, туман ва шаҳар раҳбарияти, Китоб туманида жойлашган «Соғломлаштириш болалар уйи» тарбияланувчилари, шунингдек, хурсандчилигини биз билан бирга ўтказишни дилига туккан юртдошларимиз таклиф қилинди. Милиция ходимларининг барчаси рафиқалари ва фарзандлари билан ташриф буюришди. Байрам кўнглидиган ҳам зиёда ўтди.

— Комил ака, шу ўринда мен бошқа бир масала юзасидан савол бермоқчиман. Хабарим бор, бўлимларингиз қўшни Китоб туманидаги «Соғломлаштириш болалар уйи»ни оталиққа олган. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Биласизми, бир пайтлар бизда болалар уйи бўлмаган. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Лекин бугунги кунда-чи? Уйлаб юракларингиз эзил-кетди. Олдини олишга ожизлик қилаемиз. Болаларда нима гуноҳ? Ота меҳрига, она сўтига қонмаган гўдакларда нима гуноҳ? Болалар уйини оталиққа олишимиздан мақсад — икки дунёси ҳам

куйиб кетган гуноҳкорларнинг гуноҳсизларига озгина бўлсада, мурувват кўрсатиш.

Эртанги шодиёнага уларни ҳам она, ҳам ота бўлишдек масъулиятни бўйнига олган меҳрибон мураббия Мархабо Хўжаева олиб келадилар. Болалар — келажагимиз. Улар ҳеч қачон ўксимасин, йиғламасин.

— Яна бир саволда, Комил ака, айримларнинг фикрича, ҳулосасича, милиция ходимлари — тошбағир, бемехр инсонлар...

— Ўша айримлар кимлар?! Улар — қонуний йўл билан жазоланганлар, улар — чайқовчилар, улар — милициядан қутулмай юрган муштумўрлар, шармсизлик қурбони бўлган болакайларнинг ота-оналари! Ана энди айтинг, уларга нисбатан биз меҳрибон бўлишимиз керакми? Йўқ, улар учун биз тошбағир бўлиб қолаверамиз. Агар яхшилар орасида ҳам шундай фикр юритувчилар бўлса, айтадиган гапим шу — қаттиққўллик билан тошбағирлик орасида катта фарқ бор. Бизни тўғри тушунсинлар. Қизишиб кетдим, узр.

— Ўзим ўт қаладим, шекилли.

— Буям тўғри.

— Ушбу тадбирни нишонлашда маблаг томондан қийналмаяпсизларми?

— Йўқ. Ўз жамғармиздан керагича пул ажратганмиз. Қолаверса, рафиқаларимиз баҳор таомларидан пишириб келишди. Ҳадемай ходимларимизнинг волидаи муҳтарама-лари сумалак пиширишни бошлаб юборишди. Уларга олдиндан миннатдорчилик билдираман.

Байрам йиғилишимизни кўтаринки руҳда ўтказиш учун яна Шаҳрисабз маданият уйи санъаткорларини ҳам таклиф қилганмиз. Хуллас, режаларимиз бисёр.

— Комил ака, яна бир бор Сизни, Сиз орқали барча ҳамкасбларимизни, уларнинг онла аъзоларини муҳарририятимиз ходимлари номидан чин юракдан қутлайман. Ишларингиз доим ўнгидан келсин!

— Раҳмат, Эркинжон. Дарвоқе, бир нарсани айтиш эсимдан чиқаёзиди. Эртага биз бир ўзига хос мусобақа уюштирмакчимиз. Рафиқаларимиз пишириб келган таомларнинг мазасини татиб кўриб, энг яхши пазандани аниқлаймиз. Унга аталган мукофотимиз бор.

— Яхши тадбир.

— Мабодо татиб кўрувчилар қаторидан жой олмайсизми?

— Жоним билан!..

Сухбатдош Э. САТТОРОВ.

Наврўзга эътибор — бу минг йиллик удумларимизга, қадриятларимизга эътибор. Наврўзга эътибор — бу табиатга эътибор. Шундай экан, унинг тарихини билиб олишимиз, қадрлашимиз фарз биз учун.

Наврўз сўзи форс-тожик тилидан олинган бўлиб, маъноси янги кун демакдир. У 21 мартдан бошланиб, бир ҳафта давом этади. Осиё ва Шарқ мамлакатларининг янги йил байрами сифатида нишонланиб, қуёш ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ. Шу кун қуёш экватор устида тик туради ва табиатда кўкариш тароватини, жонланиш ҳароратини вужудга келтиради.

Наврўз қадимий тарихга эга. У аввал Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудига истиқомат қилувчи форс-тожик тилида сўзлашадиган элатлар томонидан байрам қилинган. Бора-бора Зардуштийлик дини урф-одатлари унга сингиб, диний байрам сифатида нишонланган. Шу

«ДИЛДА НА ҒАМ ҚОЛДИ...»

динни акс эттирувчи тақвим ҳам тузилиб, у Сосонийлар сулоласидан бўлган Яздигардиннинг номи билан аталади. Мазкур тақвимнинг ҳар бир ойи 30 кундан иборат, яъни ўн икки ойда 360 кунни ташкил қилади. Қолган беш кун эса янги йил олдида алоҳида тилга оlinиб, ибодат қилиш ва тайёргарлик кўришга қолдирилган. Абу Райҳон Берунийнинг «Китобат тавҳим» ва «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номи асарларида бу ҳақда қимматли маълумотлар учрайди.

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» китобида эса байрамни ўтказишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари борасида маълумотлар берилган. Масалан, уй-жойлар иштиёқ билан тозаланади, яқинлар бир-бирлари билан дийдорлашишади, марҳумлар қабри зиёрат қилинади. Тожик ва эрон халқларида байрам кунини номи «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил таом тайёрланган.

Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида Наврўзнинг пайдо бўлишини

бизгача етиб келмаган манбаларга суяниб, шоҳ Жамшид образи билан боғлайди. Эмиш-ки, Жамшид темирни эритиб, қурол ясашни, ип-йигириб, кийим тикишни, уй, ҳаммом қуришни ихтиро қилган. Кишиларнинг қанчалик қобилиятлилиги, ҳунарни қай йўсинда эгаллаганлигига қараб, уларга тавсиф берган.

Бир кун у ажойиб бир тахт ясаб, осмонга кўтарилади. Ҳамма ҳайратда қолади. Ғам-андуҳлар унутилади. Халқ Жамшиднинг самимий табриклайди ва бу кунни янги йил байрамининг биринчи кунини дейишади. Улуғ шоир унн гўзал мисраларда қуйидагича талқин қилган:

Битта тахт қурдирди, бари сийму зар.
Шукуҳи Каёнӣ, беазаги гавҳар.
«Дев кўтариб учсин», деб берди фармон.
Тахт кўтарилганда паст бўлди осмон.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб, шукуҳ — бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил — байрам дейишар.
Йил боши ҳурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват, кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.

Бошқа бир тарихий манбаларда эса Наврўз байрамини ўтказиш аҳмонийлар томонидан белгиланган дейилади. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқлари томонидан у катта байрам сифатида нишонланган. XI асрда Шарқ астрономлари қуёш тақвимини ишлаб чиқишди. Тақвим 365 кундан иборат бўлган. Унда 21 март янги йилнинг биринчи кунини ҳисобланган. Тақвим Маликшоҳ ҳукмронлиги йилларида (1072-1092 йй.) амалга киритилиб, ойлари юлдузлар туркуми номлари билан аталган. Шунинг учун ҳам уни «буржий тақвим» дейилади.

Бошқа халқлар қатори ўзбек элатлари ҳам Наврўзни муносиб кутиб олишган. Бугдой ва арпани ивитиби, майсасини янчиби, сумалак пиширганлар. Ешу қари сумалак пишириладиган қозон атрофида кечаси билан ўйин-кулгу қилишган. Турли-туман ҳикоялар, топишмоқлар, лапарлар айтиб чиқишган. Бу кунларда мотам ва маросимлар ўтказилмаган. Тайёрланган таомларнинг масаллиқлари баҳорнинг шифобахш ўсимликларида иборат бўлган. Бу кун меҳнат байрами, деҳқончиликнинг бошланиш байрами тариқасида қадрланган.

Жўра РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Жумҳурияти ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

БАЙРАМ ИСТАКЛАРИ

ҲАМКАСБЛАР ДИЛ РОЗИ

(Боши 2-бетда)

ҳақида сўзлашни истамадим. Зеро, кимки Наврўз кунини шоду хуррамлик билан кутиб олса, кейинги Наврўзгача ҳам қувончга ошно бўлиб, роҳату фароғатда яшаркан. Шундай экан, келинг, дўстлар, бир-биримизни табассум ила қарши олайлик, меҳру оқибатга сайқал берайлик, капалакникидай қисқа умримизни эзгу ишларга бахшида этайлик.

Тилагингиз қалбингиз каби оқ, тан-жонингиз соғ, умрингиз узоқ бўлсин!

Қадрли дўстларим, акаю сингилжонларим, опаю укаларим! Илоҳий муҳаббат доимо йўлдошингиз бўлсин. У ҳеч қачон бир умрлик армонга айланмасин. Бахтингиз ёнингизда туриб, сизга бахт тилашдан ортиқроқ бахтсизлик йўқ экан...

Шерали ҲАБИВУЛЛАЕВ,

эркин ижодкор:

— Илк бора тонг саҳар палласида кўм-кўк майсалар ёноғида кўз қамаштиргувчи шудрингни кўрганмисиз? Ажабланманг. Бу Наврўздан нишона! Назми гулбоғдан роз айтган мангу қўшиқ бу!

Аллоҳга шукрки, тўқинлик, барака неъматини — исмалоқ бўйини ҳидлаш, Наврўзни қаршилаш толеймизда бор экан. Тилагим, мунис волидаларимиз доимо омон бўлишсин. Тўйларимиз тўйга уланиб, кайвони отахонларимиз тўй-боши бўлсинлар!



Ўзбекистон Жумҳурияти ИИБ қошидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ходимлари Наврўз байрами арафасида бўлиб ўтган шанбаликда тушган маблагга ўз оталиқларидаги Чилонзор туманида жойлашган жумҳурият ИИБнинг 1/36-болалар богчаси кичкинтойларига совға-саломлар сотиб олдилар. Ўтган кун ана шу совғаларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи милиция полковниги Ҳикмат Убайдуллаев қатнашди.

СУРАТЛАРДА: совғаларни топшириш маросимидан лавҳалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сураатлар.

Шанба учрашувлари

СЎЗ УЙИНИ

СУМАЛАКЛАР ҚАЙНАР ПИШИБ

(ТЕРМА)

Қўшиқ қўшиққа уланиб,
Қизлар келар қўл ушлашиб,
Гул-чечаклар йўлларида
Келаётир тўлиб, тошиб.

Бир ёғида меҳмонлари,
Бир ёғида ўғлонлари.
Кураш тушар элимизнинг
Алломишдай полвонлари.

Келган неча шоввозлари,
Чўқишмоқда хўрозлари.
Санъатини кўрсатмоқда
Шаҳримизнинг дорбозлари.

Баланд жойдан улоқ тайлаб,
Чавандозлар отин шўйлаб,
Кўпкарини кўришмади,
Азиз халқим неча ойлаб.

Маҳаллалар биргалашиб,
Бир бирига эргалашиб,
Катта-катта қозонларда
Сумалаклар қайнар пишиб.

Қизлар кийган гулгун либос,
Бўйларига келишган мос.
Бахши куйини эшитаркан,
Парилардай кўзи чарос.

Куйлар бугун бахши Зиёд,
Элим бўлсин кўркем, обод.
Наврўз куйи ўйнаб, кулиб,
Ҳамма бўлсин қувноқ ҳам шод.

Нурга тўлсин, гулга тўлсин,
Ватанимиз обод бўлсин.
Наврўз байрамингиз, дўстлар,
Қўтлуг бўлсин, қўтлуг бўлсин!

Зиёдулло бахши ИСЛОМОВ,
Нарпай тумани.



«ҚИММАТГА ТУШГАН ТАБРИК»

Азиз рўзномасевар!

Эътиборингизни қуйида
битилган ўн саккизта сўз-
га қаратмоқчимиз. Уларни
бирма-бир ўқиб чиқинг.

1. Огоҳ. 2. Кўз. 3. Одил-
лик. 4. Ост. 5. Тиш. 6. Ан-
жир. 7. Ой. 8. Зиё. 9. Ке-
лин. 10. Бўр. 11. Ўр. 12.
Арра. 13. Юр. 14. Улоқ.
15. Дил. 16. Ажаб. 17. Ни-
шон. 18. Ўрик.

Ушбу сўзларнинг ҳар
бирига ё олдида, ё охири-
дан биттадан шундай ҳарф
қўшингки, натижада сўзлар
бутунлай бошқа маънони
англайсин. Ушбу шартни
бажаргандан сўнг, топган
ҳарфларингизни сўзлар қай
тартибда ёзилган бўлса,
ўша тартибда берилган ка-
таклардаги рақамлар ўр-
нига жойлаб чиқинг.


Агар шартларни тўғри
бажарган бўлсангиз, ушбу
саодатли кунда сиз азиз-
ларга қарата айтмоқчи бўл-
ган икки оғиз табрик сўзи-
мизни билиб olasiz.

Тузувчи:
Нодира АБДУРАШИД
қизи,
Китоб тумани.

Рўзномамизнинг 18 ян-
варь ва 22 февраль кунги
сонларида чоп этилган бош-
қотирма саволларига жа-
воб йўллаган мухлислари-
миз қуйидагилар:

Қашқадарё вилоятидан
Ў. Холиев, Самарқанд ви-
лоятидан У. Холманова, А.
Тургунов, Э. Бобоқулов, В.
Дўстмуродов, Андижон ви-
лоятидан Р. Ашурова, Г.
Ўктамова, Ғ. Болтабоева,
Навоий вилоятидан Ё. Хо-
лов, Р. Маттиев, Хоразм
вилоятидан Н. Жуманиёзова,
Жиззах вилоятидан Т. Ту-
галов, А. Эргашев, Р. Юсу-
сов, Тошкент шаҳридан
Умрзоқовлар оиласи, Сур-
хондарё вилоятидан Г. Мар-
даева, А. Қиличев, Тш-
кент вилоятидан Ж. Абдул-
лаев, У. Жўраев, З. Қаю-
мова, С. Мамажонов, Р.
Азимова, Б. Мусаева, Фар-
ғона вилоятидан С. Розо-
қов, Н. Мамадиева, Д. Ра-
сулова, А. Турдалиев, Сир-
дарё вилоятидан Ш. Ҳами-
дова.

Мактуб йўллаганларнинг
барчасига миннатдорчилик
билдирамиз.



Қ А Т Р А

Бу нотиқнинг 40 йиллик
тажрибаси бор. Ҳар сафар
минбарга чиққанида, 15-20
варақли маърузаси жойлан-
ган папкани қўлиқлаб ол-
ган бўлади. Қўлиғининг яғи-
ри чиқса чиқадики, лекин
15-20 варақли маърузаси
жойланган папка эскирмай-
ди. Қирқ йилдан бери мин-
бардан тушмади, қирқ йил-
дан бери 15-20 варақли маъ-
рузаси жойланган папкадан
айрилмади. Бу варақларда
унинг «партия ва ҳукуматига»
ҳамду санолари битилган.
Бугунги байрам йиғилиши-
да ҳам у сўзга чиқди. Чи-

роқ нуридан ялтираётган
қўлтиғида 15-20 варақли
маърузаси жойланган папка.
Қизиқ, бугун у нималар ҳа-
қида ваъзхонлик қиларкин?

Бошлади. Йўқ, ўша-ўша э-
ски ҳаммоми ва тоғораси.
Фақатгина партия сўзининг...
Яхшиси маърузасининг 20-
варағида ёзилган ва ўзи
нутқида жарангдор оҳанг
билан айтган сўнги жум-
лаларини ёзай: «Уртоқлар,
яшасин Наврўз! Наврўз, ва
ҳукуматимизга шон-шарафлар
бўлсин!...»

ТИНГЛОВЧИ.

КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Мухбир:

— Бугунги байрам муно-
сабати билан қандай тилак-
лар билдирмоқчисиз?

Сўхбатдош:

— Одамларимиз бахтли
бўлишсин. Кейинги Наврўз-
гача мингга киришсин...

* * *

— Кечирасиз, сайл қаерда
бўлапти, айтиб бера ол-
майсизми?

— Миллий богда.

— А... миллий бог қаерда!

— Сайл бўлаётган жойда.

С. ЭРКИНОВ.

МУСАҲҲИХ АДАШДИ...

Серқармоқли хўжалик.
«Қайнонамни кўрсам, ти-
лим яйрайди».

Севгилиснинг қулоғига
отилди.

«Уғлимиз ўрта мактабни
тутатган».

«Юнон эркаклари» борми?

Ҳамдард, ҳамқафас дўст-
лар.

Коммунизм қурувчисининг
аҳмоқ кодекси.

«Кеча танишим шим қокди».

Янги уйга чўчиб киришди.

Тўпловчи:

Абдуазиз ҲОШИМОВ.
Каттақўрғон шаҳри.

«ҲОЗИРЧА ХАЙР...»


«МАЙМУН: Қаёққа?

ҚҲИ: Етар. Ҳаммаси тамом. Режаларим бисёр эди.
Одамлар мени яхши ниятлар билан кутиб олишганди.
Давримда улар яхши яшаша дегандим. Қўй йили хо-
сиятли келди дейишса, бошим осмонга етарди. Бўлма-
ди. Ўзларига ўзлари қилишди. Иккинчи апрель... 19 ав-
густ... Бошим ёрилиб кетай дейди. Эҳ, одамлар... Ният-
ларимнинг амалга ошганидан ошмагани кўп бўлди.
Қаёққа дейсан, Даврим ўтди. Ортимда энди сен туриб-
сан. Ишқилиб, омадингни берсин.

МАЙМУН: Йўқ, ошна. Бир оз адашдинг. Тўғри, сенинг
йилингда одамлар азият ҳам чекишди. Аниқроғи, бир-
бирларига азият етказишди. Лекин бир санани унутдинг.
Бу — 1 Сентябрь. Кўтар бошингни. Сен қарийб юз
ўттиз йил эзиллиб келган миллатни эркинликка чиқар-
динг-ку. Юз ўттиз йил зулматда қолган миллатга қуёш-
ни — хурлик шамсини кўрсатдинг-ку. Бунини унутиб бўла-
дими? Жигаристон — унутилмас дард. Лекин ҳаёт да-
вом этипти. Нарх-наво ҳам минг марта ошиб, минг мар-
та тушсада, ўткинчи, ўтади. Бу дунёни қалвали бозор,
дейдилар. Токи одам зоти яхши ва ёмондан иборат экан,
шов-шувлар бўлаверади, бўлади. Лекин, ошна, муста-
қиллик! Бундай имконият бир марта берилиши мумкин
миллатга. Бошингни кўтар, юзинг ёруғ сенинг.

ҚҲИ: Лекин сенга ҳам осон бўлмайди.

МАЙМУН: Биламан. Елкангдаги бир дунё ташвишини
меникига орднинг. Осон бўлмайди, биламан. Мен ҳам
миллатнинг тикланган қаддига унутган белбоғини бой-
ласам, кўтарилган бошига унутган дўшисини кийди-
сам, ўзлигини таниган бир пайтда онгига унутган та-
рихини сингдирсам, унутган ёзувини қайтарсам дейман.
Қийин аҳволда ташлаб кетаялсан. На илож... Лекин би-
либ қўй, ўн бир йилдан сўнг кўрасан бу юртининг рав-
нақини. Ҳозирча хайр...»



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир
ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлини —
59-26-56, 59-20-92, ушунинг бўлини — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик компанияси
босмаҳонаси. 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

* Кўчириб босишда «Поста»дан энанлигини
кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақам-
лар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шу-
нингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлма-
ган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳи-
собланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрири-
ят фирига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзма-
лар таҳли қилинмайди ва қайтариб берилмайди.